

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ХАТАРЛАРНИ МИҚДОРИЙ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

Баймирзаев Дилмурод Нематович
Наманган давлат университети таянч докторант
E-mail: dilnazdon@mail.ru

Аннотация: Мақолада фермер хўжаликлари фаолиятидаги хатарларни бошқариш ва уларни миқдорий баҳолаш масалалари ўрин олган. Фермер хўжаликларидаги ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) хатари тавсифланган ҳамда улар миқдорий баҳоланган. Ҳосилдорликка таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. Фермер хўжаликларида ҳосилдорлик кўрсаткичларининг вариация коэффициентлари ҳисоблаб чиқилган ҳамда вариация даражалари бўйича гуруҳлаштирилган. Фермер хўжаликларида хатарларнинг таъсирини минималлаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Abstract: The article deals with the issues of risk management in the activities of farms and their quantitative assessment. The risks of production (yield) in farms are described and quantified. Factors affecting performance are analyzed. The variational coefficients of yield indicators in farms are calculated and grouped by levels of variation. A proposal was developed to minimize the impact of risks on farms.

Калит сўзлар: фермер хўжалиги, хатар, хатарларни бошқариш, ишлаб чиқариш хатари, ҳосилдорлик хатари, бозор хатари, регрессия, вариация.

Кириш

Ўзбекистонда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, улардан фойдаланишда замонавий бозор механизмлари, инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида ҳосилдорлиги кам бўлган пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, аграр соҳанинг асосий таянчи ҳисобланган фермер хўжаликларини бозор талабларига мос равишда ривожлантириш, улар фаолиятидаги хатарларни бошқариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари фаолиятида ишлаб чиқариш, маркетинг, молиявий, институционал ва персонал (инсон омили) билан боғлиқ хатарлар таъсирининг юқорилиги уларда ресурсларни йўқотиш, иқтисодий бой бериш, кўзда тутилган ҳажмда даромад ололмаслик ёки зарар кўриш каби муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Аграр соҳада энг катта муаммо – фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида етарли билимга эга эмаслигидир. Тўғри, уларда куч-ғайрат, ташаббус, ерга меҳр бор, кўпчилигининг кўзи ёниб турибди. Лекин, афсуски, биргина хоҳиш билан биз юқори ҳосилдорликка ва пировард натижага эриша олмаймиз. Бизга қишлоқ хўжалиги технологияларини мукамал эгаллаган, замонавий ишлаб чиқариш ва инновация усулларида хабардор фермерлар сув билан ҳаводек зарур” – деб таъкидлайди [1].

Фермер хўжаликларини агробизнеснинг фаол иштирокчиси сифатида улар фаолиятини юқори даражадаги хатар таъсирида эканлигини эътиборга олиб, аграр соҳада хатарларни бошқаришнинг замонавий ташкилий ва иқтисодий чоратadbирларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хатарларни баҳолашнинг назарий ва услубий масалалари Ж.М.Кейнс, Ф.Найт, Й.Шумпетер ва бошқа таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида акс этган. Жумладан, Ж.М.Кейнс ўзининг “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” номли китобида ноаниқлик шароитида иқтисодий қарорлар қабул қилиш, кредит хатари, инфляция хатари ҳақида фикрлар юритган [8]. Ф.Найт “Хатар, ноаниқлик ва фойда” номли китобида мукамал ва номукамал рақобат шароитида хатар, ноаниқлик ва корхона фойдаси ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этган [10]. Таниқли австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетер “Иқтисодий ривожланиш назарияси” китобида иқтисодий тизимдаги доимий ўзгаришларга сабаб бўлувчи омилларни тадқиқ этиб, иқтисодий динамикани ўрганиш асосида хатарларни таснифлаш ва гуруҳлаштиришга алоҳида эътибор қаратган [15].

МДХ мамлакатларида хатарларни бошқариш масалаларини тадқиқ этиш ўтган аср охирларида жуда жадаллашди. Жумладан, И.Т.Балабанов ўз тадқиқотларида риск-менежментининг мазмуни ва уни ташкил этиш, хатарларнинг таъсир даражасини юмшатиш усуллари, йўналишлари ва стратегияси, уларни суғурталаш [4], К.В.Балдин хатарлар шароитида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг методологик, ташкилий ва технологик асослари [5], С.М.Васин ва В.С.Шутовлар тадбиркорлик фаолиятидаги хатарлар ва уларни туркумлаш, хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари, корхона стратегиясида хатарлар бошқариш хусусиятларини [6] тадқиқ этганлар.

Ўзбекистонда хатарларни бошқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермер хўжаликларини ташкил этишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш, хатарларни миқдорий ва нисбий баҳолаш масалалари М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Ш.Зайнутдинов, А.Шермухаммедов, А.Абдуллаев, А.Абдуғаниев, Қ.Чориев, Н.Хушматов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Жумладан, М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаевлар таваккалчилик (риск)ни бошқариш, хавф ва таваккалчилик турлари [13], Ш.Зайнутдинов, А.Шермухаммедовлар бошқарув жараёнида дуч келадиган хатарлар ва уларнинг таҳлили, хатарларнинг турлари ва бошқариш шакллари [7], А.Абдуллаев аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илфдор шаклларида бири ҳисобланган фермер хўжаликларининг илмий-назарий асослари [3], А.Абдуғаниев қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодиётдаги роли, аҳамияти, унинг самарадорлигини ошириш бўйича, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш [2], деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш масалалари бўйича Қ.А.Чориев, Н.С.Хушматовлар [12] илмий изланишлар олиб борганлар.

Корхона менежмент тизимида хатарларни бошқариш масалалари иқтисодчи олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган бўлсада, фермер хўжаликлари фаолиятида юзага келадиган хатарлар ва уларни бошқариш борасидаги тадқиқотларни янада такомиллаштириш Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари фаолиятида бозор механизмларини жорий этиш, агробизнесда ижобий ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришга имкон беради.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологиясини мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш йўналишида олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари ташкил этади. Тадқиқот жараёнида Наманган вилоятида пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фаолият юритувчи фермер хўжаликларида етиштириладиган буғдой ва пахта экинлари ҳосилдорлик кўрсаткичларининг вариация коэффицентлари ҳисоблаб чиқилди ва гуруҳлаштирилди. Ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) хатарларини миқдорий баҳолашда корреляция, вариация ва гуруҳлаштириш усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Фермерчилик фаолияти турли даражадаги хатарлар таъсирида амалга оширилади. Бу биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнини очиқ майдонда амалга оширилиши ва уни юқорида даражада бевосита об-ҳаво ва иқлим шароитига боғлиқ эканлиги билан изоҳланса, яна бир бошқа муҳим жиҳати бозор нархларининг ўзгаришига нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифининг ноэластиклиги фермер хўжаликлари олдида бозор ёки нарх билан боғлиқ хатарларни келтириб чиқаради. Бундай ташқари ҳосилнинг пишиб етилган палласида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини кескин тушиб кетиши, йиғим-терим вақтида ишчи кучининг етишмаслиги, энг зарур вақтда қишлоқ хўжалиги машиналари ва воситаларини ишдан чиқиши ёки ёқилғи ва мойлаш маҳсулотлари етишмаслиги оқибатида уларни экслюатация қилиш имконининг чекланиши, чорва ҳайвонларининг турли касалликларга чалиниши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базада кўзда тутилмаган ўзгаришларни амалга оширилиши фермер хўжаликларида хатарларнинг юза келишининг асосий манбалари ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар фермер хўжаликларидаги асосий хатарларни ифода этиб, фермерлар ўз хўжаликларини бошқаришда уларга тез-тез дуч келадилар ҳамда бу хатарлар ишлаб чиқариш рентанбеллигининг пасайишига таъсир этади [19].

Агар авваллари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши давлат томонидан дотацияланган бўлса, аграр соҳада таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши, турли мулк шаклларининг вужудга келиши, бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер хўжаликлари ўз хўжалик фаолиятидаги хатарларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни мустақил равишда хал этишга ўтдилар. Бугунги кунда фермерлар нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишда, балки хўжаликни бошқаришда ҳам профессионал кўникмаларга эга бўлишлари давр талабига айланди.

Тадқиқотлар фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш мақсадида уларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришда уларнинг табиатини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Хатарларни бошқаришга оид илмий адабиётларда [18, 20, 21] фермер хўжаликлари фаолиятида юза келадиган хатарларнинг беш асосий

манбалари ажратилиб кўрсатилади. Улар ишлаб чиқариш, маркетинг (нарх ёки бозор), институционал, персонал (инсон омили) хатари ва молиявий хатарлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фермер хўжаликлар фаолиятида ишлаб чиқариш (ҳосилдорлик) хатари энг жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. У қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига бевосита таъсир этади. Ишлаб чиқариш хатарининг асосий манбалари бўлиб, об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариши, зараркунанда ва касалликлар, агротехнология, генетика, қишлоқ хўжалиги машиналари самарадорлиги, ишлаб чиқариши жараёнида фойдаланиладиган саноат ресурсларининг сифати ва бошқалар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш хатарлари қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсир этиб, у бир вақтнинг ўзида катта ҳудудларни қамраб олади ва юқори даражадаги боғлиқликда аксарият хўжаликлардаги экинларни нобуд бўлиши, ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади.

Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2008-2018 йиллар давомида етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлиги кўрсаткичлари таҳлили вилоят туманлари ўртасида турли даражадаги корреляцион боғланиш мавжудлигини кўрсатди (1-жадвал). Жумладан, Поп ва Мингбулоқ туманлари ўртасидаги корреляцион боғланиш даражаси жуда юқори бўлиб, ушбу туманларда корреляция коэффиценти – 0,98; Учқўрғон ва Мингбулоқ туманлари ўртасида – 0,93; Наманган ва Чортоқ туманлари ўртасида – 0,92 бирликни ташкил этди.

1-жадвал

Наманган вилояти туманлари ўртасида бошоқли дон ҳосилдорлиги кўрсаткичларининг корреляцион боғланиш коэффицентлари¹

		Мингбулоқ	Косонсой	Наманган	Норин	Поп	Тўрақўрғон	Уйчи	Учқўрғон	Чортоқ	Чуст
1.	Мингбулоқ	1									
2.	Косонсой	-0,368	1								
3.	Наманган	-0,362	0,794	1							
4.	Норин	0,702	-0,131	0,165	1						
5.	Поп	0,978	-0,333	-0,432	0,628	1					
6.	Тўрақўрғон	0,846	-0,289	-0,310	0,502	0,853	1				
7.	Уйчи	-0,662	0,730	0,802	-0,141	-0,705	-0,617	1			
8.	Учқўрғон	0,935	-0,433	-0,338	0,690	0,917	0,853	-0,742	1		
9.	Чортоқ	-0,360	0,809	0,925	-0,011	-0,445	-0,307	0,825	-0,428	1	
10.	Чуст	-0,149	0,738	0,483	-0,358	-0,133	0,087	0,365	-0,226	0,678	1
11.	Янгиқўрғон	-0,221	0,395	0,835	0,349	-0,361	-0,248	0,671	-0,188	0,768	0,157

Вилоятнинг табиий-иқлим шароити, тупроқ қатлами, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлиги, ҳудудларнинг сув билан таъминланганлик даражаси ва географик жойлашувидаги ўзига хос ўхшашлик ёки тафовутлар айрим туманларда ҳосилдорлик ўртасида кучли корреляцион боғланишни мавжудлигини кўрсатса, бошқа бир туманларда кучсиз ёки тескари боғланишни юзага келтирмоқда.

Поп тумани вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан ҳудудий жиҳатидан катталиги, ўзига хос табиий, тупроқ ва иқлим шароитига эга туман бўлиб, у Косонсой,

¹ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Наманган, Норин, Уйчи, Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон туманлари билан кучсиз ва тескари корреляцион боғланган. Масалан, Поп ва Уйчи туманлари ўртасида ҳосилдорлик ўртасида тескари боғланиш мавжуд бўлиб, корреляция коэффициенти - 0,70 бирликни ташкил этди.

Демак, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасидаги кучли корреляцион боғланиш уларни етиштиришнинг агротехник хусусиятларининг бирига жуда яқин экинлиги, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити, тупроқ унумдорлиги, сув билан таъминланиш даражаси ўхшаш эканлиги ифода этади. Ушбу ҳудудларда ҳосилдорликка таъсир этувчи хатарларда умумий ҳослик мавжудлиги кўрсатади.

Европа иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти маълумотида кўра, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва улар нархларининг ўзгаришига турли хатарлар таъсир этиши таъкидланади [22]. Унга кўра ҳосилдорлик ўзгаришининг асосий сабаблари табиий хатарлар таъсири натижасида эканлиги билан изоҳланса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари тебраниши бозор хатарлари таъсирида рўй бериши кўрсатиб ўтилган. Аксарият фермер хўжаликлари учун икки асосий ўзгарувчилар, яъни ҳосилдорлик ва нархлардаги тебранишлар улар фаолиятидаги хатарларнинг асосий манбалари сифатида эътироф этилади.

Ҳосилдорлик ва нарх билан боғлиқ хатарларни тадқиқ этиш алоҳида олинган фермер хўжаликлари статистик маълумотларини таҳлил этиш асосида аниқланади. Бу каби хатарлар ёки ўзгарувчиларнинг статистик кўрсаткичи сифатида вариация ва корреляция коэффицентларидан фойдаланилади.

Бозор орқали юзага келадиган нарх хатари ёки об-ҳаво туфайли вужудга келадиган ҳосилдорлик хатарини миқдорий баҳолаш фермер хўжаликларидаги хатарларни бошқаришда муҳим ўрин тутди. Хатарларни бошқаришда уларни миқдорий баҳолаш муҳим босқич ҳисобланади. Шунинг учун хатарларни бошқариш, биринчи навбатда, уларни таҳлил этиш ва баҳолашдан бошланади.

Аграр тармоқдаги хатарларни миқдорий баҳолашда статистик маълумотлар сифатида деҳқончилик тармоғида – қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлик кўрсаткичларидан, чорвачилик тармоғида – бир чорва ҳайвонининг бир суткадаги ўртача ортган вазни ёки бир сигирга тўғри келадиган йиллик ўртача сут миқдори кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Ҳосилдорлик хатарини аниқлаш учун маълум бир давр (йиллар) оралиғидаги ёки ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлик кўрсаткичларининг вариация коэффицентлари ҳисоблаб чиқилади.

Вариация коэффицентини ҳисоблаш экинлар ҳосилдорлик кўрсаткичларининг арифметик ўртача миқдорини аниқлаб олишдан бошланади. Сўнгра алоҳида олинган фермер хўжалигининг ҳосилдорлик кўрсаткичи билан фермер хўжаликларидаги ҳосилдорлик кўрсаткичларининг арифметик ўртача миқдори орасидаги фарқлар квадратларининг ўртачаси аниқланиб қуйидаги формула орқали ўртача квадратик фарқ (σ) ҳисоблаб чиқилади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum(X_i - \bar{X})^2}{n}} \quad (1)$$

Бу ерда: \bar{X} – фермер хўжаликларидаги ҳосилдорлик кўрсаткичларининг арифметик ўртача миқдори; n – фермер хўжаликлари сони; X_i – алоҳида олинган фермер хўжалигининг ҳосилдорлик кўрсаткичи.

Вариация коэффиценти ўртача квадратик фарқнинг (σ) ўртача миқдорга (\bar{X}) нисбатини ифода этади [14]. Бизнинг таҳлилда у ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича ўртача квадратик фарқни ҳосилдорлик кўрсаткичларининг арифметик ўртача миқдорига нисбати сифатида ифода этилади. Бу кўрсаткич маълум бир ҳудуддаги ёки даврдаги ҳосилдорлик кўрсаткичларининг тебраниши, яъни хатарларнинг даражасини аниқлаш имконини беради.

Вариация коэффиценти (V) – нисбий кўрсаткич бўлиб, белгининг ўзгаришини ифодалайди ва фоизларда ифодаланади [16]. Ўртача квадратик фарқ бўйича вариация коэффиценти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$V_{\sigma} = \frac{\sigma}{\bar{X}} \cdot 100\% \quad (2)$$

Вариация коэффиценти 0 дан 100 фоизгача ўзгариши мумкин. Унинг қиймати қанчалик катта бўлса, ўзгарувчанлик шунчалик даражада кучли, шу билан биргаликда хатар даражаси ҳам юқори бўлади.

Агар вариация коэффиценти 10 фоизгача бўлса – вариация кучсиз (хатарларнинг таъсири сезиларсиз); 10 фоиздан 25 фоизгача – ўртача; 25 фоиздан юқори бўлса – кучли ҳисобланади [9].

Вариация замон ва макон шароитида белги миқдорларининг тўпلام бирликлари бўйича фарқланиши ёки ўзгарувчанлигини ифода этади. Тўпلام бирликлари турли муҳитда ҳаракат қилади ва натижада вариация вужудга келади. Вариация сабаби шароитларнинг хилма-хиллиги, уларда кўпдан-кўп омил ва кучлар мавжудлиги ҳамда улар турлича амал қилиб, натижага ҳар хил меъёрда таъсир этишидир [17].

Демак, вариация коэффиценти асосида фермер хўжаликлари фаолиятидаги хатарларнинг таъсир этиш даражасини замон ва макон шароитида аниқлаш, уларнинг хўжалик фаолиятидаги хатарларни баҳолаш мумкин бўлади.


Вилоятдаги фермер хўжаликлари фаолиятидаги хатарларнинг таъсир даражасини баҳолаш ва уларни таҳлил этиш мақсадида 2017-2019 йилларда етиштирилган буғдой ва пахта ҳосилдорлиги кўрсаткичлари Наманган вилояти туманлари кесимида, яъни макон шароитида уларнинг вариация коэффицентлари ҳисоблаб чиқилди.

2017-2019 йиллар давомида фермер хўжаликларида буғдой ҳосилдорлиги вариация коэффицентлари Учқўрғон, Косонсой ва Уйчи туманларида камайиши кузатилди (1-расм).

Жумладан, 2017 йилда Учқўрғон туманида буғдой ҳосилдорлиги вариация коэффиценти 26,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 4,7 фоизга тенг бўлди. Тумандаги фермер хўжаликларининг 85,2 фоизида ҳосилдорлик 60-70 ц/га ташкил этди.

Ҳудди шундай ҳолат Уйчи туманида ҳам кузатиш мумкин. 2019 йилда 98,1 фоиз фермер хўжаликлари ҳар бир гектардан 50-80 центнердан ҳосил олиб, ҳосилдорлик бўйича вариация коэффиценти 11,3 фоизни ташкил этди. Шу давр мобайнида вилоят бўйича умумий вазият қониқарли тус олиб, буғдой ҳосилдорлиги ўртасидаги

тебранишлар 2017 йилда 30,4 фоизни ташкил этган ҳолда 2019 йилда бу кўрсаткич 29,8 фоизни ташкил этиб, 0,6 пунктга камайган.



1-расм. Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2017-2019 йилларда етиштирилган буғдой ҳосилдорлиги вариация коэффицентлари²

Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари бўйича ҳисоблаб чиқилган вариация коэффицентлари фермер хўжаликларида буғдой ҳосилдорлиги ўртасида кучли тебраниш мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, Чортоқ туманида ушбу кўрсаткич 2019 йилда 42,2 фоиз, Янгиқўрғон туманида 41,2 фоизни ташкил этди. Ушбу туманларда етиштирилган буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичлари фермер хўжаликларида нотекис, яъни ўта тарқоқ эканлигини ифода этди.

² Диаграмма муаллиф томонидан тузилган.

Вилоят туманларининг ўзига хос табиий-иқлим шароити, географик жойлашуви ва бошқа омиллар фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасида нотекисликни, яъни кучли фарқланишни вужудга келтирмоқда. Ҳосилдорлик ҳудуднинг табиий-иқлим ва қишлоқ хўжалигини юритишнинг ўзига хос шарт-шароитига боғлиқ бўлганлиги сабабли, бир ҳудуддаги қулай аграр шароит ҳосилдорликнинг юқори бўлишига, бошқа бир ҳудуддаги оғир аграр шароит унинг нисбатан паст бўлишига сабаб бўлади. Бундай хусусият фермер хўжаликларида етиштирилган буғдой ҳосилдорлиги вариация коэффициентларининг вилоят туманлари ўртасида турли даражада бўлишига олиб келмоқда.

Фермер хўжаликларини 2019 йилда етиштирилган буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичлари бўйича гуруҳлаштириш асосида таҳлил этилганда вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон туманларида ҳосилдорлик тебраниши юқорилиги эканлигини аниқланди. Ушбу туманлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун оғир ҳудуд ҳисобланганлиги сабабли, ҳосилдорлиги 40 центнердан кам бўлган фермер хўжаликлари салмоғи бошқа туманларга нисбатан юқоридир (2-жадвал).

2-жадвал

Фермер хўжаликларини буғдой ҳосилдорлиги бўйича гуруҳланиши (2019 йил, фоиз ҳисобида)³

Ҳосилдорлик, ц/га	Учқўрғон	Қосонсой	Мингбулоқ	Наманган	Норин	Поп	Тўрақўрғон	Уйчи	Чортоқ	Чуст	Янгиқўрғон	Вилоят
0-10	-	-	-	-	-	-	2,1	-	1,4	1,3	7,0	1,6
10,1-20	-	-	-	-	-	-	-	-	5,4	3,6	8,3	2,3
20,1-30	-	1,1	-	-	-	-	4,3	-	4,7	4,2	16,1	4,0
30,1-40	-	4,3	2,8	5,6	-	1,5	2,1	-	40,5	7,5	48,3	13,3
40,1-50	-	76,7	30,5	9,7	8,9	56,5	9,7	1,9	17,6	12,6	13,3	21,4
50,1-60	14,8	9,2	36,1	35,5	43,7	24,0	32,3	56,5	6,8	25,2	4,4	23,3
60,1-70	85,2	7,6	26,9	32,3	47,4	16,0	39,8	37,9	2,0	31,4	-	28,0
70,1-80	-	1,1	3,7	14,5	-	2,0	9,7	3,7	14,2	10,0	1,8	4,7
80,1 юқори	-	-	-	2,4	-	-	-	-	7,4	4,2	0,8	1,4
Ўртача арифметик ҳосилдорлик, ц/га	64,0	51,6	56,4	59,6	57,8	49,0	57,5	57,5	46,4	55,7	33,3	51,3
Квадратик ўртача тафовут	3,0	7,18	9,3	11,6	7,47	8,9	12,9	6,49	19,6	16,8	13,7	15,3
Вариация коэффициенти, фоиз	4,7	16,0	16,5	19,4	12,9	18,1	22,5	11,3	42,2	30,1	41,2	29,8

Жумладан, Чортоқ туманида 52 фоиз, Чуст туманида 16,6 фоиз ва Янгиқўрғон туманида 79,7 фоиз фермер хўжаликларида буғдойдан олинган ҳосилдорлик 40 центнердан ошмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сонли Қарорида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан кам ҳосил олиш «ерга нисбатан хиёнат» деб баҳоланиб, ер ижара шартномаси бекор қилинишига чоралар кўрилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари уларга нисбатан ягона ер солиғини ҳисоблашда солиқ ставкаларига ҳосилдорлик ҳар

³ Жадвал Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

гектаридан 30 центнер ва ундан паст бўлганда 2 баробар, 31 центнердан 40 центнергача бўлганда 1,5 баробарга кўпайтирувчи коэффициентлар қўллаш тартиби киритилган.


Вилоятнинг табиий хатарлар таъсир даражаси энг юқори, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш оғир бўлган ҳудудлардан бири Чортоқ туманидир. Чортоқ тумани Чатқол тизмасининг жанубий этакларида жойлашган, ер юзаси текислик ва адирлардан иборат ҳудуд ҳисобланади. Адирликлар баландлиги жанубдан шимолга 300 метрдан 1500 метргачани ташкил этади. Иқлими континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ, ўртача ҳарорат январ ойида - 1° дан - 4° гача, июлда 25-26° ни ташкил этади. Йилига 300—400 мм ёғин тушади (кўпроқ қишда ва баҳорда ёғади). Вегетация даври 175 кундан иборат. Тоғадирлардан катта-кичик сойлар оқиб тушиб, улардан баъзиларида фақат ёғингарчилик мавсумидагина сув оқади, ёзда эса қуриб қолади. Баҳорги ёмғирларда кучли сел келиши оқибатида қишлоқ хўжалигига катта зарар етказилади. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда асосан сой сувларидан кенг фойдаланилади. Туманнинг жанубий қисмидан Катта Наманган, жанубий чегарасидан Шимолий Фарғона каналлари ўқиб ўтади. Тупроқлари, асосан, типик бўз тупроқлар бўлиб, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлари ўзлаштирилган [11].

Чортоқ туманида буғдой ҳосилдорлиги ўртача кўрсаткичи 46,4 ц/га ни ташкил этиб, туманда ҳосилдорлиги 30 центнергача бўлган фермер хўжаликлари 11,5 фоизни, 30 центнердан 40 центнерга бўлган фермер хўжаликлари 40,5 фоизни ташкил этди. Ҳосилдорлик бўйича ҳисобланган квадратик ўртача фарқ ушбу туманда бошқа туманларга нисбатан юқори, яъни 19,6 бирликни ташкил этмоқда. Чортоқ тумани табиий ва иқлим шароитининг кескинлиги, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдаги оғир агротехник шароит, сув таъминотидаги узилишлар фермер хўжаликларида ҳосилдорликни тебранишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, ўсимликчилик тармоқлари ичида пахтачилик давлат миқёсида стратегик аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланади. Сўнгги йилларда республикада аграр соҳани ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигидаги ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, паст рентабелли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳарид нархини ошириб бориш ҳисобига фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Бунинг натижасида вилоятда пахтачилик тармоғида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги тараққиётида пахтачилик тармоғи алоҳида ўрин тутди. Ушбу тармоқ ривожига фермер хўжаликларининг ўрни жуда баланд бўлиб, вилоятда етиштириладиган пахта хом ашёсининг 99,2 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. 2019 йилда вилоятда 63406 гектар майдонда пахта хом ашёси етиштирилди. Жами ялпи ҳосил 194559 тоннани ташкил этиб, ҳар бир гектар экин майдонига ўртача 30,7 центнер тўғри келди.

Вилоятда пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликлари улушининг юқорилиги инobatга олиниб, уларда 2017-2019 йилларда етиштирилган пахта ҳосилдорлиги вариация коэффициентлари ҳисоблаб чиқилди ва таҳлил этилди (2-расм).



2-расм. Наманган вилояти фермер хўжаликларида 2017-2019 йилларда етиштирилган пахта ҳосилдорлиги вариация коэффицентлари

Вилоят фермер хўжаликларида пахта хом ашёсини етиштиришдаги ҳосилдорлик вариация коэффицентлари буғдой ҳосилдорлиги вариация коэффицентларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларида буғдой етиштиришга нисбатан пахта хом ашёсини етиштиришда ҳосилдорлик хатари даражаси нисбатан юқоридир. 2019 йилда аксарият туманлардаги фермер хўжаликларида етиштирилган пахта хом ашёси ҳосилдорлиги вариация коэффицентлари 2017-2018 йилларга нисбатан камайган. Жумладан, вилоят бўйича ушбу кўрсаткич 2017 йилда 40,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 31,2 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3574 – сонли Қарори ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сабзавот-полиэтилен, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжалиklarининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 258-сонли қарорига асосан вилоятда ер шароити ва сув таъминоти оғир, паст рентабелли, охириги уч йилда пахта ҳосилдорлиги 15 центнердан кам бўлган 19194 гектар пахта майдонлари қисқартирилди.

Бунинг натижасида вилоятда ҳосилдорлиги 15 центнердан кам бўлган фермер хўжалиklари салмоғи камайди. 2017 йилда вилоят бўйича уларнинг салмоғи 15,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 3,9 фоизга тушди. Шунингдек, пахта ҳосилдорлиги 30 центнердан юқори бўлган фермер хўжалиklarининг салмоғи ортиб, 2019 йилда уларнинг улуши 45,1 фоизни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси. Сўнги йилларда фермер хўжалиklarини минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва техникалар билан таъминлашнинг самарали тизимини ташкил этишга эришилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг самарали усуллари йўлга қўйилиши натижасида фермер хўжалиklарида пахта хом ашёси ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари 2019 йилда 2017 ва 2018 йилларга нисбатан ўсди. Вилоятнинг деярли барча туманларида пахта ҳосилдорлиги вариация коэффициентлари сўнги уч йил давомида пасайиб, фермер хўжалиklарида ҳосилдорлик тебранишининг сезиларли даражада камайишига эришилди.

2017-2019 йилларда фермер хўжалиklарида етиштирилган буғдой ва пахта ҳосилдорлиги бўйича ҳисоблаб чиқилган вариация коэффициентларига асосланган ҳолда вилоят туманлари вариация (хатар) даражаси бўйича гуруҳларга ажратилди. Ушбу гуруҳлаш асосида ҳар бир тумандаги фермер хўжалиklарида буғдой ва пахта етиштиришда таъсир этувчи хатарларини баҳолаш мумкин бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

Наманган вилояти туманларининг буғдой ва пахта ҳосилдорлиги вариация даражалари бўйича гуруҳланиши⁴

Вариация даражаси	Буғдой ҳосилдорлиги бўйича	Пахта ҳосилдорлиги бўйича
Кучсиз тебранувчанлик (10 фоизгача)	-	-
Ўртача тебранувчанлик (10 фоиздан 25 фоизгача)	Норин тумани (11,3%) Мингбулоқ тумани (14,6%) Учқўрғон тумани (15,9%) Наманган тумани (20,1%) Уйчи тумани (22,0%) Поп тумани (23,4%) Косонсой тумани (23,5%)	Учқўрғон тумани (24,9%)
Кучли тебранувчанлик (25 фоиздан юқори)	Тўрақўрғон тумани (27,3%) Чўст тумани (27,9%) Янгиқўрғон тумани (33,7%) Чортоқ тумани (39,0%)	Мингбулоқ тумани (26,3%) Наманган тумани (26,6%) Уйчи тумани (26,9%) Норин тумани (31,0%) Чўст тумани (32,0%) Тўрақўрғон тумани (34,5%) Поп тумани (36,3%) Чортоқ тумани (40,6%) Косонсой тумани (40,7%)

⁴ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

3-жадвалга мувофиқ, вилоятнинг Тўрақўрғон, Чуст, Янгиқўрғон ва Чортоқ туманлари буғдой етиштириш оғир, турли хатарлар таъсири кучли бўлган ҳудудлар ҳисобланиб, фермер хўжаликларида ҳосилдорликнинг кучли тебранишига сабаб бўлмоқда. Вилоятнинг қолган туманлари нисбатан қулай ҳисобланиб, ўртача даражадаги хатарли ҳудудлар сирасига киради.

Пахта етиштиришда Учқўрғон тумандан ташқари, вилоятнинг деярли барча туманларида ҳосилдорлик кучли тебранишга эга ҳудудлар сирасига кирмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Демак, Норин, Мингбулоқ, Учқўрғон, Наманган, Уйчи, Поп ва Косонсой туманлари буғдой ҳосилдорлиги тебранувчанлиги (хатар даражаси) – ўртача, Тўрақўрғон, Чуст, Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларида – кучли, пахта хом ашёси етиштиришда хатар даражаси Учқўрғон туманида – ўртача, Мингбулоқ, Наманган, Уйчи, Норин, Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Чортоқ ва Косонсой туманларида – кучли деб баҳолаш мумкин. Ушбу туманларда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари буғдой ва пахта етиштиришда юқори даражадаги хатарлар таъсирида эканлигини ифода этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 272-сон. 29.12.2018. 1-бет.
2. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б.
3. Абдуллаев А, Х.Айбешов, Қ.Рустамов, У.Мустафоев. Фермер хўжалиги иқтисоди. – Т.: Fan va texnologiya, 2006 й., 176 бет.
4. Балабанов И.Т. Риск менеджмент. Москва, «Финансы и Статистика», 1996 – 284 с.
5. Балдин К.В., Риск-менеджмент. Учебное пособие по риск-менеджменту. – М.: ЭКМО, 2006. – 368 с.
6. Васин С.М., Шутов В.С. Управление рисками на предприятии: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 304 с.
7. Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А.Т. Риск менеджмента. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2007 . – 256 с.
8. Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 136-137; Маршал А. Принципы политической экономики. – М.: Директ-Медиа, 2012. – 2126 с.
9. Куликова Е.Е. Управление рисками. Инновационный аспект — М.: Пабблишинг, 2008. — 204 с.
10. Найт Ф.Х. Риск, неопределенность и прибыль / Пер. с англ. – М.: Дело, 2003. – 360 с.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 153-бет.
12. Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Деҳқон ва фермер хўжалигилари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. – 132 б.

13. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001. 704 б.
14. Шодиев Х., Абдуллаев Ё. ва бошқалар. Статистика. Дарслик. Тошкент: Ибн Сино. 2004. – 354 б.
15. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. – 401 с.
16. Shodiev T.Sh., Hakimov T.X., Boltaeva L.R., Ishnazarov A.I., Nurullaeva Sh., Muminova M.A. “Ekonometrika” (O’quv qo’llanma). – Т.: TDIU, 2007. – 178 b. (14-bet) .
17. Soatov N.M., Tillaxo`jayeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. 183-b.
18. Boehlje, M. D., Trede, L. D. (1977): Risk Management Agriculture, Journal of American Society of Farm Management, Rural Appraisers, Vol. 41, pp. 20-27.
19. David Kahan. Managing risk in farming. Food and agriculture organization of the united nations. Rome, 2008. ISBN 978-92-5-107543-2 (print).
20. Fleischer, B. (1990): Agricultural Risk Management, Boulder & London, Lynne Rienner Publishers.
21. Hardaker, J. B., Huirne, R. B. M., Anderson, J. R. (1997): Coping with Risk in Agriculture. Wallingford, CAB International.
22. Kimura, S., J. Antón and C. LeThi (2010-06-18), “Farm Level Analysis of Risk and Risk Management Strategies and Policies: Cross Country Analysis”, OECD Food, Agriculture and Fisheries Papers, No. 26, OECD Publishing, Paris. <http://dx.doi.org/10.1787/5kmd6b5rl5kd-en>.